

12-10-2019

PHILOSOPHIC-AESTHETICAL ESSENCE OF MAQOM'S MELODY

Zulhumor Sidamatovna Nurullaeva

Doctoral student of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, department of ethics and aesthetics, faculty of Social sciences

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Nurullaeva, Zulhumor Sidamatovna (2019) "PHILOSOPHIC-AESTHETICAL ESSENCE OF MAQOM'S MELODY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

PHILOSOPHIC-AESTHETICAL ESSENCE OF MAQOM'S MELODY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 12 сон

МАҚОМ КУЙЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ижтимоий фанлар факультети этика ва эстетика кафедраси таянч докторант

Аннотация: Мақомлар кўп асрлик тарихга эга. Мазкур мақолада етти мақом пардаси ва мақом куйларининг келиб чиқиши ҳақидаги диалектик таҳлиллار келтириб ўтилган. Мақом куйларининг фалсафий-эстетик жиҳатлари ва тасаввуф илмида мақом куйларининг тугган ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Мақом, Якгоҳ, Ушшоқ, Буслик, Рост, Ироқ, Исфаҳон, Раҳовий, Ҳусайний, Ҳижоз, Барбод, Тасаввуф, тариқат.

ФИЛОСОФСКО-ЭСТЕТИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ МЕЛОДИЯ МАКОМА

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Докторант кафедры этики и эстетики, факультет социальных наук

Аннотация: Макомы имеют долгую историю. В этой статье рассматривается про семь парды и диалектические анализы происхождения мелодий макома. А также место и роль мелодий макома в суфизме и его философско-эстетические аспекты.

Ключевые слова: Маком, Якгах, Ушшак, Буслик, Рост, Ирак, Исфехан, Реховий, Хусейний, Хиджаз, Барбад, Суфизм, тариқат.

PHILOSOPHIC-AESTHETICAL ESSENCE OF MAQOM'S MELODY

Nurullaeva Zulhumor Sidamatovna

Doctoral student of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,

department of ethics and aesthetics, faculty of Social sciences

Abstract: Maqoms have a long history. This article discusses about seven pardas of maqom and dialectical analyzes of the origin of melodies of maqoms. As well as the place and role of maqom melodies in Sufism and its philosophical and aesthetic aspects.

Keywords: Maqom, Yakgah, Ushshak, Buslik, Rost, Iraq, Isfekhan, Rehoviy, Huseyniy, Hijaz, Barbad, Sufism, tariqat.

Юртимиз маданиятининг юксак қадриятига айланган, ЮНЕСКО томонидан жаҳоннинг номоддий маданиятларидан бири деб эълон қилинган “мақом” куйларининг генетик келиб чиқиши хусусида олимлар кўп йиллардан бери турли бахслар олиб борадилар. Ушбу бахсларда икки хил фикр ёрқин кўзга ташланади. Мақом куйлари илоҳийми? Ҳали ҳануз олимлар мақом куйлари қандай пайдо бўлганлигини аниқ айтиб беролмайдилар. Баъзи олимлар мақом куйлари илоҳий онг томонидан яратилган деса, баъзилари мақомлар олий ақлнинг махсули деган фикрни илгари сурадилар. Санъатшунос олим А.Джумаев ва бир қанча олимлар

фикрига кўра, мақом куйлари соф математик билимларга асосланганлигини ва мақомнинг илк етти пардаси Эрон шохи Хисрав Парвез саройида хизмат қилган Барбод томонидан яртилганлиги эътироф этилади. Олимнинг фикрича мақом куйлари пайдо бўлишида илоҳийликнинг даҳли йўқ. У асрлар давомида Барбод асос солган етти парданинг эволюцияси натижасида пайдо бўлган деган фикрни илгари суради[1]. Санъатшунослик фанлари доктори О.Иброҳимов ва яна бир қанча олимларнинг фикрига кўра, мақом куйлари илоҳий онг томонидан яратилган, яъни пайғамбарлар томонидан яратилган деган қарашни илгари сурадилар.

Профессор Н.Н.Миронов билдирган айрим фикр-мулоҳазалар баёнида ҳам мақомлар ғоявий мазмуни диний-фалсафий асосга эга эканлигини англаб олиш мумкин. Жумладан, Н.Н.Миронов мақомларнинг тасаввуф таълимотига алоқадор жиҳатларини баён этиб ўтади. Бу ҳолатларни эса ҳар бир мақомни муайян ранг билан боғланиш, демакки, ҳофиз ва созандалар ижро этилаётган мақомга ранг жиҳатдан мувофиқ либосларда бўлишлари тингловчилар учун эса етти хил рангда бўлган еттита махсус хоналар ажратилганлиги каби тафсилотлар ташкил этади. Изланишлар натижасида мана шундай диалектик фикрларга дуч келдик. [2]

Келинг аввало мақом сўзига эътибор берайлик. Бу сўз нима маънони билдиради? Ибн Зайланинг фикрича мақом сўзининг луғавий маъноси, арабча “ўрин”, “жой”, “ҳолат”, “вазият”, “босқич”, “даража” каби маъноларни билдиради. Бу атама дастлаб мусикий атама сифатида талқин қилинмаган. Мақом атамаси тури соҳаларда турли маъноларда қўлланилган. Маълумки, сўфийликнинг тўрт босқичи мавжуд. Бу босқичларни инсон Оллоҳни таниши, билиши учун ўз нафсларини енгиб, руҳий-ахлоқий покланиши учун босиб ўтиши лозим. Тўрт босқичнинг ҳар бири ўн асосдан иборат бўлиб, улар “мақом” деб аталган. Масалан, шариатда 10 мақом бор: биринчи мақом–имон келтирмоқ, иккинчи мақом - намоз ўқимоқ, учинчи мақом–рўза тутмоқ, тўртинчи мақом-закот бермоқ, бешинчи мақом-ҳаж ибодатини бажармоқ, олтинчи мақом-мулойим сўзламоқ, еттинчи мақом-илм ўрганмоқ, саккизинчи мақом-Ҳазрати Расули (с.а.в .) суннатларига амал қилмоқ, тўққизинчи мақом-амри маъруфни бажармоқ ва ўнинчи мақом - наҳи мункар қилмоқ. Демак 40 мақомни тўлиқ адо этган инсон ҳақиқий сўфий бўлиши мумкин ҳисобланган. Кейинчалик мақом сўзи математикада “маҳраж” маъносини англаган”. Бошқа бир манбада ҳам шунга ўхшаш маълумотни учратиш мумкин [3]. Дилором Кароматнинг 12 maqam System and its similarity with Indian Raga’s (according to the Indian Manuscripts) (Ўн икки мақом тизими ва унинг ҳинд рагалари билан ўхшашлиги (қўлёмаларга кўра)) деб номланган мақоласида ёзишича, Кашмирда ҳам мақом сўфиёна қалом [4] деб аталишини эътироф этади.

Санъатшунослик фанлари доктори Оқилхон Ибрагимовнинг фикрича, мақомлар тасаввуф таълимоти билан узвий боғлиқ. Мақомлар етти хил рангнинг қўлланилиши ва уларнинг муайян тартибда келиши бежиз бўлмай, балки тасаввуф таълимотида ишлаб чиқилган етти босқич ранглариининг рамзидир[5]. Рамз хусусида нафосатшунос олим Абдулла Шер таъкидлайдики, рамзнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз мазмунини эмас, бутунлай бошқа мазмунни англайдиган шакл, ўз моҳиятини эмас, бутунлай бошқа моҳиятни ифодаладиган ҳодиса,

қисқаси, бутунлай бошқа ботинни ифодаловчи зоҳирдир[6]. Масалан, хон саройларида мусикий хизмат тарзида янграган 12 мақом ҳам махсус белгиланган вақтларда, маълум соатларда ижро этилган. Масалан, тонг отиш билан Роҳавий мақоми ижро этила бошланган бўлса, қуёш чиққан маҳал Ушшоқ садоланган, чошгоҳ бўлгунга қадар эса Рост мақоми чалиниб, чошгоҳда Рост мақомига ўтилган ва ҳ.к. Ижрочиларнинг либослари ҳам ранг жиҳатдан ўзгартирилиб турилган. Масалан, Рост мақоми сариқ рангли либосларда ижро этилган бўлса, Бузрук мақоми ижроси учун қизил ранг танланган ва ҳ.к. Бу ўринда ҳам мақомларнинг тасаввуф анъаналарига алоқаси сезилиб туради. Чунки тасаввуфда “ранглар сўфий руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафардаги даража босқичларини билдириб туради...Рухнинг рангдан-рангга кўчиши ривожланишдан нишонидир” [7].

Ислом динида маълум бир мусикий маросимлар мавжуд эмас, лекин тасаввуфда бу бўшлиқ мусиқа орқали тўлдирилади. Яъни мусиқа Оллоҳ билан мулоқот воситаларидан бири сифатида эътироф этилади. Баъзи сўфийлар мусиқани илоҳий санъат деб ҳам атаганлар. Ҳатто мусиқани диндан ҳам юқори қўйганлар. Чунки мусиқа инсон руҳини диндан кўра юқорироққа кўтаради деб ҳисоблаганлар. Демак мусиқа ўзининг гўзаллиги, қудрати ва жозибаси билан инсон руҳини олам уйғунлигига мослаштиради. Шарқда афсонада айтилишича, Худо ўз суратини лойдан ясалган ҳайкални яратиб, жоннинг унга киришини сўраган. Озод рух учишни хоҳлади ва “зиндон”га киришдан бош тортди. Аммо у фаришталарнинг қўшиқларини эшитганда, у “ҳаёт мусиқасини” ҳис қилишни хоҳлади ва танага кирди. “Кўпчилик айтадилар,-деди Ҳофиз, ҳаёт инсон танасига мусиқа орқали кирди., лекин ҳақиқат шундаки, ҳаётнинг ўзи бу мусиқа” айтадиларки, рух мусиқа орқали танага кирди, лекин аслида рухнинг ўзи мусиқа эди”[8].

“Мақом” атамасининг мусиқага жорий этила бошланиши ҳам кўп жиҳатдан тасаввуф таълимотининг бу даврларга келиб ислом оламида кенг ёйилганлиги (бизнинг диёримизда, жумладан, “Яссавия”, “Ҳожаҳон-Нақшбандия” ва “Кубровия” тариқатларининг ижтимоий нуфузи баланд бўлганлиги), Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукумронлиги даврида эса қарийб расмий мафкура мавқеига қадар кўтарилиб, бунинг пировардида сарой санъатига, хусусан мумтоз касбий мусиқа соҳасига кўрсатган кучли ғоявий таъсири билан изоҳланиши мумкин. Мақом сўзи тасаввуф истилоҳида энг муҳим тушунчалардан бири бўлиб, унинг воситасида, жумладан, маънавий камолот йўли(тариқат)нинг етти асосий босқичлари (бекатлари, даражалари) англашилади. Демак, “мақом” деганда маълум ҳаракат жараёни ҳам назарда тутилиб, бу жараён мазмунини солиқ (йўловчи, изланувчи мурид)нинг сулук (йўл) босқичлари бўйлаб сафари ва шу аснода ўз мақсади сари маънавий юксалиб бориши ташкил этади. Шуни айтиш керакки, ўн икки мақом тизими доирасида “комил инсон” ғоялари сержиҳат кўринишлар касб этади. Жумладан, солиқнинг қалбидаги ишқ ўти билан маҳбуби томон руҳий сафари ушбу тизимдаги 12 мақом “занжирига” ҳам ботиний англашилади.

Бунда: “Ушшоқ” мақоми–сўфиёна ишқ, Тангри Таолога бўлган чин ошиқликни, “Наво” мақоми–ишқ ўтида дард (Ҳаво) чекишни, “Бусалик” мақоми (Абу Салик-Аҳд отасига ишора) ошиқнинг тариқат йўлига киришга “аҳд

боғлашини” билдиради. Кейинги етти мақом-“Рост”, “Хусайний”, “Ҳижоз”, “Роҳавий”, “Зангула”, “Ироқ”, ва “Исфаҳон” номлари ботиний мазмунида ошиқнинг тариқат йўлида руҳий юксалиб бориши улўғ ҳаж сафарига нозик ташбеҳ этилган. Жумладан: “Рост” (тўғри йўл)–тариқат йўлини, “Хусайний”-пирумуршид(йўл бошчи)ни, “Ҳижоз”–Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара шаҳарлари жойлашган сарҳад бўлиб, йўлнинг асосий мақсад тимсолини, “Роҳавий” (роҳёл), “Зангула” (“туя бўйнига илинадиган қўнғироқ”), “Ироқ” ва “Исфаҳон” –йўл ҳаракати ва манзилларининг “забт” этилишини билдиради. Зеро, ҳаж йўлида Ироқ чўлларидан ўтилган, Исфаҳон эса ана шу мақсадга яқин жойлашган шаҳарлардан бирининг номи. Сўнги икки мақом “Кучак” (яъни кичик) ва “Бузрук” номлари нисбатида сўфийларнинг кичик (микро) ва катта (макро) оламларнинг ўзаро уйғунлиги ҳақидаги қарашлари ўз аксини топган, дейиш мумкин. Эътиборли томони шундаки, Ўн икки мақом номлари тасаввуф адабиётида ҳам кўпроқ “йўл” сафари маъноларини ифода этишда қўлланиб келинган [9].

Кавкабийнинг кўрсатишича, мақомлар(ладлар)ни дастлаб Пифагор яратган бўлиб, улар асосан саккизта бўлган. Улар: Ушшоқ, Буслик, Рост, Ироқ, Исфаҳон, Раҳовий, Хусайний, Ҳижоздан иборат. Сўнги даврларда яшаган олимлар шу мақомлар асосида яна тўртта мақом яратдилар ва натижада 12 мақом юзага келган: Наво мақоми Ушшоқ асосида, Зангула Ростдан, Бузург Ироқдан, Кучак эса Исфаҳон мақомидан олиб ишланган, дейди Кавкабий. Яна бир номаълум муаллифнинг рисоласида, афсоналарда Ўн икки мақомни Юсуф пайғамбар ихтиро қилган”, деб кўрсатилади. Кунлардан бир куни у, ўз кишилари билан Нил дарёси бўйида кетаётган экан, дарёдаги бир катта тошга кўзи тушибди ва ўз кишиларига уни кўтариб олишларини буюрибди. Улар саҳрога етишибди. Кишиларни очлик, ташналик ҳалок қила бошлабди. Шунда Юсуф алайҳиссалом худодан нажот сўрабди ва осмондан: “ҳассангни тошга ур, ҳой Юсуф!”-деган садо келибди. Юсуф алайҳиссалом шундай қилган экан тош устида ўн икки тешик пайдо бўлибди ва сув фаввора бўлиб отилиб чиқа бошлабди. Шу билан бирга ўн икки хил товуш ҳам эшитилибди. Осмондан яна “ҳой Юсуф! Бу товуш ва оҳангларни эсингда сақла!” деган нидо келибди. Гўё, зикр этилган ўн икки мақом Юсуф эсида сақлаб қолган ўн икки булоқдан чиққан товушлар эмиш. Ўша муаллифнинг фикрича, Ушшоқ энг қадимий мақом. Чунки у кўп куй ва ашула йўлларининг асосидир. Рост мақоми ҳам шундайдир. Уни “Уммул-адвор” (“Мақом доираларининг онаси”) дейилиши ҳам бежиз эмаслигини муаллиф қайд этади. Рост мақомининг бошқа номи Якгоҳ (биринчи парда)дир. Исфаҳон мақоми Ростга жуда яқин бўлганидан улар бирин - кетин ижро этиб келинган. Ундан сўнг Ҳижоз ва Ироққа ўтилган. Кучак мақоми турк халқларига хос бўлиб, мақоми Ростга яқин туради.

Яна бир “Рисолайи мусиқий” муаллифи 12 мақомни Афлотун йилнинг ўн икки буржи асосида яратган дейди. Дарвиш Али (XVII аср) ўз асарида еттита мақом пайғамбарлардан қолганини қайд этади. Мақоми Рост-Одам Атодан, Ушшоқ-Нух пайғамбардан, Наво-Довуд пайғамбардан, ҳижоз - Сулаймон пайғамбардан, Ироқ - Айюб пайғамбардан, Хусайний-Яъқуб пайғамбардан, Буслик-Бобо Умардан, Раҳовий-Муҳаммад пайғамбардан қолган. Дарвиш Али ҳар бир мақомнинг

яратилиши сабабини Рабғузийнинг “Қиссаси - анбиё” (“Пайғамбарлар қиссаси”) китобида келтирилган ривоятларга боғлаб тушунтиради. Бу ерда муаллиф мақомларни илоҳийлаштириш орқали уларни “шаръий ҳодиса” қилиб кўрсатмоқчи бўлса керак. “Ривоятларга кўра, - деб кўрсатади Дарвиш Али, - мақомларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи кишилар юнон олими Арасту (Аристотель, эрамиздан олдинги IV аср) яратган, деб ҳисоблайдилар. Бошқа кишилар эса Афлотун (Платон эрамизгача V - IV асрлар) йилнинг 12 буржига мослаб яратганлигини қайд этадилар” [10].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мақомларни таҳлил қилишда мустақилликдан олдин ва кейинги даврларни инобатга олиш зарур. Собиқ Совет иттифоқи даврида иррационал билимларни ўрганиш, тадқиқ этиш ўша давр сиёсий ҳаётига зид бўлган ва бунда ўз ўзидан ўша даврда тадқиқотларда бу мафкура сезилиб туради. Мақомларни куйларини илоҳийлаштириш 1990 йиллардан бошланган ва бундай тадқиқотларга мақом тарихини чуқурроқ ўрганишга кенг йўл очилди. Мақомлар инсоннинг олижаноб фазилатлари, ҳис ва туйғуларини ифодалаб берувчи кучга эга. Халқимизнинг ўлмас мусиқа хазинаси - мақом жанри ўзбек ва тожик халқ мусиқа меросида алоҳида ўрин тутади. Мақомлар юксак бадий-эстетик кучга эга бўлган асарлардир. Шашмақом халқимизнинг турли бадий-эстетик эҳтиёжлари учун хизмат қилиб, ҳатто халқ шодиёналарида, тўйларда, байрамларда уларнинг маданий талабларини қондириб келмоқда. Бу ўринда сурнайларда ижро этилиб келинган Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақом йўлларини эслатишнинг ўзи кифоядир. Диний-фалсафий томондан, мақом - мусиқа воситасида дунёни идроклаш; юксак эстетик аҳамиятга молик ҳаётий таассуротлар, тушунчалар, рамз ва образлар олами; руҳнинг чексиз гўзаллик ва мутаносиблик тимсоли бўлган. Бири иккинчисидан келиб чиқадиган ва барчаси ўзаро боғлиқ боши охирига уланиб кетадиган доира шакли - гўзаллик, мукамаллик тимсоли мақом тафаккурининг умумий белгиси (рамзи) ҳисобланади .

References:

1. Djumaev A. “Esteticheskie osnovi makamata” rukopis’ – T.:1991.- С.24.
2. Ibrohimov O. Maqomlar semantikasi diss – T.:1996.-B.7
3. Oripov Z. Ibn Zaylaning “Kitab-l-kafi fi-l-musiq’a” risolasidagi atamalar – T.:2008.- B.37-38.
4. <http://syrianmusiclives.files.wordpress.com>> Dilorom Karomatning 12 maqam System and its similarity with Indian Raga’s (according to the Indian Manuscripts).
5. Ibrohimov O. Maqomlar semantikasi diss – T.:1996.-B.76.
6. Abdulla SHer. Estetika – T.:2014.-B.58.
7. Ibrohimov O. maqomlar semantikasi diss – T.: 1996.- B.69-70
8. Gudimova S.A. Muzikalnaya estetika nauchno-prakticheskoe posobie – M.:1999.- S.6
9. www.classicmusic.uz/maqomlar_ta/ Ibragimov O. Maqomlar tarixiga oid
10. Rajabov I. Maqomlar – T.: 2006 – B.140-141.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш 20

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,
ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 гени g.hirsutum
туридаги функсиясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги *ziziphora* l. туркуми турларининг
биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И 50

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

05.00.00

ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

TECHNICAL SCIENCES

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т..... 54

ТАРИХ ФАНЛАРИ

07.00.00

ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

HISTORICAL SCIENCES

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
ФАЛСАФА ФАНЛАРИ		
09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ		
PHILOSOPHICAL SCIENCES		
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ		
PHILOLOGICAL SCIENCES		
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
25	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О‘zbek tiliga o‘zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo‘llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ
11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ
GEOGRAPHICAL SCIENCES

42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулломжонов Д.....	219
--	-----

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225
---	-----

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков Фарид Ахунович.....	391
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
	19.00.00	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
	22.00.00	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398